Буни юракдан сезган эронлик маърифатпарварлар форс тилида миллий руҳ сингдирилган ҳақиқий халқона пьесалар ёзишга киришдилар. Эронда биринчилардан бўлиб драматик асар яратганлардан бири маърифатпарвар Мирзо Малкумхон Нозим ад-давла (1833-1908)дир. XIX асрнинг 60-70-йиллари орасида у тўртта пьеса ёзган. Ҳези келганда айтиш керакки, кейинги пайтларда ўша пьесаларни Озарбайжон олимлари (А.А.Ибрагимов ва Х.Мамед-зода) Мирза Малкумхон

қаламига мансуб эканлигига шубҳа билдириб, уларнинг муаллифи Мирзо оғо Табризий эканлигини ўртага ташладилар.

Эрон театршунос олими Жамшид Маликпур ҳам уларнинг фикрига қўшилган.⁸ Бизнинг назаримизда уларнинг илмий фаразлари етарли даражада исбот этилмаган. Шунинг учун биз бу тўрт пьесани Мирзо Малкумхон асари сифатида талқин этамиз.

Мирзо Малкумхон (1833-1908) ўз даврининг илғор зиёлиси бўлиб, Парижда таҳсил олган. У ижтимоий-маиший мавзуда тўртта пьеса яратди. XIX асрнинг 60-70-йилларида Техронда қўлёзма ҳолида тарқатилган ушбу пьесалар қуйидагича номланган:

1) Арабистон ҳокими Ашрафхоннинг Техронда тўхтаган кунлари саргузашти (Саргўзаште Ашрафхон ҳокеме Арабистон дар айёме таваққўфе у дар Техрон);

2) Замонхон Бўружардийнинг ҳукумат юргизиш усули ва ўша кунлар саргузашти (Тариқейе ҳукумати Замонхон Бўружарди ва саргўзаште он айём);

3) Шоҳқули Мирзонинг Карбалога бориши ҳикояси ва Кермоншоҳда бир неча кун турган кунлари саргузашти (Ҳекояте Карбало рафтани Шоҳқули Мирзо ва саргўзаште айёме таваққуфе чанд рузе дар Кермоншоҳ);

4) Оғо Ҳошим Халхолойнинг Ҳожи Пирқулининг Сара исмли қизига ошиқ бўлиш ҳикояси ва ўша айём саргузаштлари (Ҳикояте ошиқ шўдане Оғо Ҳошем Халхоле бе Соро ном дўхтаре Ҳожи Пирқули ва саргўзаште он айём).

Айни пайтда эса форс адабиётида янги жанр яратилиш фактининг ўзи муҳим эканлиги биз учун ўта муҳим.

Мирзо Малкумхоннинг барча пьесалари сарлавҳасидан кўриниб турибдики, халқчил ҳажвия ва ҳазил элементлари билан суфорилган бўлиб, Европа саҳнасига хос декорация ёки бошқа белги ва аломатлар унда инobatга олинмаган. Шунга қарамасдан, бу бадий асарларнинг яратилиши форс адабиётида янги жанр драматургиянинг пайдо бўлишида жуда катта аҳамиятга эга. Бу асарлар форс тилида яратилган биринчи оригинал драматик асарлардир. Мирза Малкумхон социал комедияларининг характерли томони шунда эдики, унда акс эттирилган воқеа ва ҳодисалар диалог воситасида кескин тус олади ва ўқувчи ёки томошабинга кучли таъсир этиш учун халқчил ва омиёна иборалардан усталик билан фойдаланади. Шу усул воситасида персонажларнинг нутқини индивидуаллаштиришга эришади. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун унинг пьесасидан бир намуна келтириш фойдадан холи эмас. Мирзо Малкумхоннинг “Замонхон Бўружардийнинг ҳукумат юргизиш усули ва ўша кунлар саргузашти” пьесасидан бир лавҳа:

БОШ ҚОРОЛ: Бугун оқшом хонни кўрсам бир иложини топаман.

ВОРТОНУС: Менам черковда сизнинг ҳаққингизга катта дуо қиламан. Илаҳо омин.

БОШ ҚОРОЛ: Буёққа қара, биласанми, бу ишлар дуо билан битмайди. Ахир... ҳокимга керак... бу ерларда...

(Бармоқларини бир-бирига ишқаб пулга ишора қилади).

ВОРТОНУС: *(Сал олдинга юриб, аста бош қорол қулогига айтади)*

Ҳа-а, энди тушундим. Аввал айтмайсанми шуни.. Йигирма туман ҳокимга тухфа, ўнта калла қанд-у бир

шиша хушбўй ароқ сенга... Битириб энди иложини топ,
жоним, тамом вассалом...

БОШ ҚОРОЛ: (*Қоролга*) Бўлди, Вортонус кетаверсин. Ҳозир вақт зиқ. Мен ўзим тўғрилайман.

ҚОРОЛ. Хўп бўлади. (*Қорол йўлда Вортонусга айтади*). Эй золим, лўттивоз... Сен гапираётган пайтингда Вортонус яхши одам, ишларини тўғрилаб бер, деб бош қоролга шундай ишоралар қилдимки... Қўрдингми? Сенга шунча хизмат қилдим.⁹

Бу пьесада Мирзо Малкумхон оддий кўча бозорнинг омиёна тили ёрдамида катта адабий-бадий таъсир кучига эришган. Ва шу йўсинда Эрон давлат дастгоҳи ички ҳаёти ва уларнинг фикрлаш тарзини кескин ва қалтис ҳазил усулида бера билган. Муаллиф ўша даврдаги давлат дастгоҳини қамраб олган порахўрлик, фирромлик ва ҳаром йўл билан бойлик орттиришга ҳирс қўйган ва бузуқлик фаҳш йўлига кирган давлат маъмурлари устидан қаттиқ кулади. Ҳукмрон доиралар ҳаётининг аниқ ва тиниқ бадий адабиётда, айниқса, сахнада кўрсатилиши ўқувчи ва томошабинларга катта қизиқиш уйғотди. Шунинг учун бу пьеса тезда оммалашиб кетди. Афсуски, пьеса муаллифи ўз асарларида турғун ва қолоқ феодал жамиятни қоралаб, ҳукмрон доира ва маърифатли монархиянинг ғояларини ҳимоя қилди, ижтимоий ёвузликларни ислохотлар йўли билан тубдан суғуриб ташлаш мумкин деб ишонди. Унинг маҳдуд дунёқараши Эрон ижтимоий тизимининг ўша даврдаги “ўйинларини” охиригача тушуниб етмади.

Эронда драматик асарларнинг шаклланишида Мирзо Фатҳали Ахундов пьесаларининг ҳам шубҳасиз роли беқиёс. Эронда унинг асарлари билан таржима бўлмасдан олдин озарбайжон тилида таниш эдилар.

1871-74 йилларда Техронда Мирзо Фатҳали Ахундовнинг пьесалари Жаъфар Қорачадоғи томонидан таржима қилиниб нашрдан чиқди. Таржимон форс тилининг нафис ва нозик имкониятларидан кенг фойдаланиб, унинг асарларини шундай маҳорат билан таржима қилдики, бу асарларни эронликлар ўз адабий мулки сифатида қабул қилди. М.Ф.Ахундовнинг пьесалари ўзлариинг мазмун ва услуб жиҳатидан ҳар бир эронликка яқин ва тушунарли эди. Унинг пьесаларида Эрон жамиятида мавжуд бўлган турли хунук ва бемаъни ҳодисалар, давлат маъмурларининг ўзбошимчалиги, қутуриши, порахўрлиги, калтафаҳмлиги, қўполлиги қаттиқ танқид остига олинган. Бу каби салбий ҳодисаларни бадиий ривоят ва ҳикоятлардан моҳирона ва унумли фойдаланган. Маълумки, Эрон фалсафий мазмунга бой афсона ва ҳикоятлари сероб ва тўла.

Мирзо Фатҳали Ахундовнинг олтита пьесаси ҳам Эронда катта муваффақият қозонди. Аввало, унинг бу драматик асарлари ўша давр учун жуда долзарб бўлиб, улардан акс этган воқеалар ўқувчиларни бефарқ қолдирмас эди. Драматург давр руҳини яхши дарак қилар, шунинг учун шарқ мамалакатларидаги қолоқлик, бефарқлик, давлат арбобларининг нодон ва калтафаҳмлигини қаттиқ танқид остига олди. Чунончи, “Ленкоран хони вазири” пьесасидан бир лавҳа:

«ХОН: Хўш гапир, нодон, не арзинг бор?

ДАЪВОГАР: Хон, айланай сендан! Бугун отимни чуғориш учун дарёга олиб бораётувдим. От арқони қўлимдан чиқиб от қочди. Бу киши олд томондан келаётган эди. Унга бақириб “Эй худо хайрингни берсин, отни қайтар” дедим. У эгилиб, ердан тош олди-

да от томон отди. Тош эса отнинг кўзига тегиб, уни кўр қилди. Айни замонда от ишдан чиқди, менинг кунимга ярамайдиган бўлди. Мен ундан отнинг товонини сўрасам, бермаяпти. Мен билан жанжал қиляпти.

ХОН: (*Айбланувчига*) Тўғрими, эй қурумсоқ?

АЙБЛАНУВЧИ: Шундай, шундай, айланай. Лекин мен қасддан тош отмадим.

ХОН: Бекорларни айтибсан, агар қасд бўлмаса, қандай тош олиб отиш мумкин?! Сенинг ҳам отинг борми?

АЙБЛАНУВЧИ: Бор, айланиб кетай сендан, бор.

ХОН: (*Даъвогарга*) Эй нодон, сен ҳам бориб уриб, унинг отини кўр қил”.

Муаллиф енгил ҳазил-мутоиба руҳи билан суғорилган афсонамонанд латифалар воситасида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масалани кўтарган. Драматургнинг маҳорати шундаки, бир томондан, ўз мансабини оддий ўқувчига фольклор шаклида жўн ва тез етказишга эришган, иккинчи томондан эса, давлат арбобларининг нодон ва калтафаҳмлигини фош этган.

Шундай қилиб, Эрон адабиётида янги драматургия жанрининг пайдо бўлишида учта асосий омил катта роль ўйнаган:

Биринчидан, 1852 йилда Техронда дорилфунуннинг очилиши, иккинчидан, Фарбий Европа драматургларининг мумтоз асарлари таржимаси ва ниҳоят учинчиси, Ф.А.Ахундов ва Мирзо Малкумхон пьесаларининг яратилишидир.

Эрон театршунослари бу имкониятлар билан чекланиб қолмадилар. Улар тинмай ижодий изланиш олиб бордилар. Миллий ўзига хос пьесалар яратилиши устида қунт билан ишладилар.

1934 йилда А.Нўшин ва М.Миновий ҳамкорликда Фирдавсийнинг минг йиллик юбилеи муносабати билан “Шоҳнома” мотиви асосида уч кўринишдан иборат сахна асари яратдилар. Бу сахна асари томошабинлар томондан завқ-шавқ билан кутиб олинди, зеро бу спектакль шаклан ҳам, мазмунан ҳам миллий эди. Унинг вужудида шарқона руҳ, яъни қаҳрамонлик, ватанпарварлик туйғулари Эрон халқига хос расм-русумлар ва уларга мос ибораларда уфуриб турарди. Бу муваффақият Эрон театршуносларини руҳлантириб юборди.

1957 йилда Эронда “Миллий санъат гуруҳи” тузилди. Бу гуруҳнинг асосчиси ва раҳбари Аббос Жавонмард биринчи бўлиб форс адабиёти намояндалари асарларига мурожаат қила бошлади ва Содик Ҳидоятнинг “Шаръий муваққат эр” (“Муҳаллел”) ва “Калхат” (“Мўрдеҳўрҳо”) ҳикояларини сахналаштирди. Бу ижодий ва жиддий муваффақиятдан сўнг санъаткорлар Эрон театрини фақат миллий драматургия сақлаб қолиши ва халқ орасида кенг тарғиб қила олишини англадилар. Жумладан, “Миллий санъат гуруҳи”нинг бадиий раҳбари Аббос Жавонмард қуйидагича ёзади: “Биз ҳақиқий Европа ҳаёти ҳақида аниқ ва тўғри тушунча йўқлигини, Эрон томошабинларини ёлғон ва сохта тасаввур билан таништириш беҳуда эканлигини тушуниб етдик. Шунинг учун ўз ҳаётимиздан бошлашга, бунинг учун эса халқ тематикасига, афсоналарига, миллий адабиёт намуналарига ва уларга техник жиҳатдан жиндай “ишлов” бериб, уларни тайёр пьеса сифатида сахнага олиб чиқишга қарор қилдик. Шу мақсадда Содик Ҳидоят асарларига мурожаат қилдик ва унинг “Шаръий муваққат эр” ва “Калхат”

ҳикояларини сахналаштиргач, миллий театрни жонлантиришнинг энг тўғри ва муҳим йўлларида бири миллий драматургияни яратиш эканлигига ишонч ҳосил қилдик!”¹⁰

Шундай қилиб, барча ижодий гуруҳ ва театршунослар узоқ ижодий изланиш ва кунт билан ишлаш натижасида миллий театрни сақлаб қолиш учун миллийлик руҳида яратилган драматик асарлар кераклигини англаб етдилар ва ягона фикрга келдилар. Ўша йили шу мақсадда ёзувчи ва театр арбобларининг диққат-эътиборини бу муҳим ва долзарб ижодга жалб қилиш учун нафис санъатлар бош бошқармаси томонидан миллий пьесалар конкурси ташкил этилди.

Таниқли Эрон ёзувчилари ижодий конкурсга жиддий аҳамият бериб, драматургия жанрига қўл урдилар. Жумладан, машҳур ҳикоянавис Саид Муҳаммад Жамолзода “Таъмагир” (“Боже сабил”, 1958), прозаик Содиқ Чубак “Қув” (“Ҳафтхат”, 1960) пьесаларини ёзди. Бундан ташқари, бу соҳага Баҳром Содиқ, Али Насриён, Фулом Хусайн Создий (Гавҳар Мурод) ва бошқа ёш драматурглар кириб келди.

Жюри аъзолари конкурсга қўйилган кўпгина пьесалардан Али Насриённинг “Саргашта булбул” (“Бўлбўлэ саргаште”) асарини биринчи ўринга муносиб деб топди.

“Саргашта булбул” пьесаси шу номдаги Эрон қадимий миллий эртаги сюжети асосида ёзилиб, яхши маънода катта шов-шувларга сабаб бўлди. 1960 йилда эса Парижда ташкил этилган халқаро фестивалда намоиш этилди. Европа томошабинлари ва театршунос танқидчилари томонидан илиқ кутиб олинди. Франция театршуноси Жан Жак Готье бу пьесани ижобий

баҳолаб, “Фигаро” газетасида мақола эълон қилди. Бу пьесада бурч ва виждон каби маънавий масалалар кўтарилиб, миллий руҳ билан йўғрилган маҳаллий афсоналар асосида нозик инсоний ҳис-туйғулар уйғотиш мумкинлиги ва бу йўлда Эрон театршунослари тўғри йўл танлаганини яна бир марта исбот этди.

Бу муваффақиятдан руҳланган Эрон сўз усталари миллий драматургия жанрига жиддий эътибор бера бошлади, натижада миллий драматургияни тарғиб ва рағбатлантириш мақсадида махсус “Драматик санъат” бошқармаси ташкил этади.

1965 йилда Эрон маориф ва санъат вазирлиги биринчи марта Техронда театр фестивалини уюштирди. Эрон адабиёти танқидчилари Эрон халқи ҳаётини акс эттирувчи форс миллий драматургиясини таҳқиқ этиш ва ривожлантиришда бу фестивалнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашди.

Фестивалда ҳозирги замон Эрон драматургларининг олти пьесаси намоиш этилди. Улар орасида Фуломхусайн Создийнинг “Варазилликлар қўлида таёқ” (“Чуб бедасте варазилиҳо”) ва “Дунёдаги энг яхши ота” (“Беҳтарин бобойе дунё”) пьесалари томошабинлар диққатини ўзига жалб қилди. Бу пьесалар фестивалда энг яхши драматик асарлар деб эътироф этилди.¹¹

Миллий драматургия ривожланиши ва тараққиётига тurtки бўлган омиллардан яна бири 1967 йилда Шерозда “Шероз” номи билан ўтказилган халқаро санъат фестивали бўлди. Бу фестиваль кейинчалик йилма-йил ўтказиладиган анъанавий намоишга айланди.

Форс миллий пьесалар фестивалининг доимий ўтказилиши, миллий драматургия муаммоларига

бағишланган илмий конференция, баҳс ва муҳокамалар Эрон адабиётидаги ёш-ўсмир драматургия жанрининг бундан кейинги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди ҳамда жуда кўп янги драматик асарлар яратилишига, шу билан бир қаторда ёш ижодкорларнинг адабиётга кириб келишига сабаб бўлди.

Прогрессив драматурглар ўз асарларида Эрон халқининг муҳим ва долзарб муаммоларини тасвирлаш билан бирга, ижтимоий кулфат, офат ва ёвузликларнинг асл сабабини излай бошлади. Ва шу йўл билан ижтимоий адолатсизликка, шахснинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилишига қарши сиёсий-ижтимоий руҳ билан суғорилган жиддий драматик асарлар ярата бошлади. Баъзи Эрон драматурглари тарихий мавзуларга қўл уриб, тарихий воқеалар орқали ўз дунё қараши ва фикр-мулоҳазаларини ҳозирги замон ҳаётига йўналтирди.

Биз мазкур мақолада Эрон миллий драматургияси тараққиётнинг асосий нуқта ва босқичларини кўрсатишга ҳаракат қилдик, шунинг учун у ёки бу сўз санъаткорларининг драматик асарларини таҳлил қилиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Бу мақола ҳажмини анча кенгайтириб юборган бўларди.

Изоҳлар:

1. Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература. -М., 1963.
2. Ираж Афшар. Адабиёте мӯосире Ирон. -Техрон, 1330 ҳ.ш.
3. Джаъфар Таваккол. Современный иранский театр и его социальное значение. /Автореф. канд. дис. фил. наук. -М., 1972.
4. Бу иқтибос Д. Комиссаровнинг “Современная персидская литература” китобидан олинган.
5. Джаъфар Таваккол. Автореф. канд. дис. фил. наук. -М., 1972.
6. Дорри Дж. Персидская сатирическая проза. -М., 1977.
7. “Фильм ва ҳунар” журнали. -Техрон, 1960. №8.
8. Жамшид Маликпур. Адабиёте намоеши дар Ирон. 1363 ҳ.ш. жилди 1, с.303.
9. Ираж Афшар. Адабиёте мӯосире Ирон. -Техрон, 1330 ҳ.ш.
10. Журнал “Талош”. -Техрон, 1968. №11, с.60.
11. Гоъҳар Мӯрод. Чуб бедасте вазразилиҳо. -Техрон, 1965.

Сарвиноз Сотиболдиева,
ТошДШИ Хорижий Шарқ
Мамлакатлари адабиёти
кафедраси докторанти

ЗАМОНАВИЙ ЭРОН РОМАНАВИСЛИГИ

Форс шеърляти Эрон адабиётига жаҳоншумул шухрат келтиргани кўпчилик томонидан қайта-қайта эътироф этилади. Дунёга машҳур ёзувчи Гёте “Барча шоирларидан форслар фақат еттитасини (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий С.С.) тан оладилар, лекин улар томонидан тан олинмайдиган юзлаб шоирларнинг кўпчилиги мендан кўра юксакроқдир” деб бежиз айтмаган.

Сўнги ярим аср Эрон маънавий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Доктор Мўсодинқ раҳбарлигидаги нефтни миллийлаштириш учун олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатлари, шохнинг мамлакатдан қочиши, оқ инқилоб ва Ислом инқилоби хуллас жуда кўплаб бўҳронлар содир бўлди. Шунга қарамай мана шу ярим аср мобайнида энг замонавий юксак дидли китобхоннинг ҳам талабларига жавоб бера оладиган замонавий наср шаклланди.

Замонавий Эрон насрининг хусусиятлари ўтган аср, хусусан, XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярми насри хусусиятлари билан солиштирилганда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Энг аввало, бу мутлақо яратилиши, анъанавий адабий жанрлар тизимининг ўзгариши, хусусан новелла ва роман жанрининг пайдо бўлиши, сатиранинг замонавий адабиётнинг энг етакчи жанрлардан бирига айланишида кўринади.

Бу даврда романчиликда реалистик методнинг асослари шаклланди. Шу билан бирга, танқидий реализм дидактик унсурларни ҳам сақлаб қолди. Роман жанрининг шаклланишида Фарбий Европа ва рус адабиётининг ҳам таъсири сезиларли бўлди.

50-йилларнинг иккинчи ярми ва 60 йилларнинг ўрталарида адабиётнинг қаттиқ таъқиб остига олинishi натижасида кўпроқ тарихий романларга, таржима асарлар ва мифлогияга мурожаат этиш кучайди. Таржима учун танланган асарлар ўзининг юқори савияси билан китобхонлар эътиборини тез қозонди. Таъқибларга қарамадан, фаол ёзувчилар ўз фикру ғояларини халққа етказиш имконини топа олдилар. Бу ўринда улар мифологиядан унумли фойдаландилар. Адибларнинг асарларида мифлар янгича маъно касб этдилар. Мазкур даврда яратилган энг машхур романлар сифатида Тақий Мўдаррисийнинг “Якўлийо ва танҳойийэ у” (“Якўлийо ва унинг ёлғизлиги”) ва Баҳром Содиқийнинг “Малакут” асарлари эътироф этилди. Романларнинг номланишиданоқ уларда мифологик ва Инжилдаги ривоятларга ишора сезилади. Бу мифлар орқали улар ёвузлик ва яхшилик ўртасидаги кураш (мифологияда Худо ва шайтон ўртасида) ифодаланади. Тарихий романлардан Санъатизода Кермонийнинг “Нодир покорител Дели” (“Дилини фатҳ этувчи), тарихий-диний мавзудаги романлардан Зайнал-Обидин Раҳнамонинг “Пайғамбар” ва “Имом Ҳусайннинг ҳаёти” асарлари шуҳрат қозонди.

Барча насрий жанрларда ҳажвиёт етачилик қилди, сатирик романлар ёзилди. Эрон ёзувчиларининг етакчи методларидан ҳисобланган танқидий реализм билан бир қаторда адабиёт саҳнасига Лотин Америкаси ва Фарбий

Европа адабиётининг таъсирида модернизм, авангардизм, магик реализм кириб келди. 60-70-йилларда насрда психологик роман етакчи ўринни эгаллади. Турли халқларнинг тилларига ўтирилган ва кўпчиликнинг сеvimли асарига айланган Али Муҳаммад Афғонийнинг “Шўҳарэ Оҳу-хонум” (“Оҳу хонимнинг эри”), Содик Чубакнинг “Санге сабур” (“Сабр тоши”), Симин Донешварнинг “Савушун” ва Муҳаммад Али Эсломиё Нўдушоннинг (тахаллуси М.Дидевар)нинг “Афсонэ ва афсун”, “Қорасув дарасининг бахтлилари”, Ираж Пезешкзоднинг “Доижон Напалеон” (“Напалеон тоғажон”), катта авлод романнависларидан Бўзўрг Алавийнинг “Солориҳо” (“Солорилар оиласи”) романлари айни шу йилларда дунё юзини кўрди.

80-йилларда Эрон 8 йил давом этган Эрон-Ироқ уруши оқибатларини бошидан кечирмокда эди. Бу жараён адабиётда “Адабиёте жанге таҳмили” (“Мажбурий уруш адабиёти”) оқимининг ривожланишига сабаб бўлди. Бу оқим намояндаларининг асарларида уруш қатнашчилари сабаб бўлди. Уларнинг асарларида уруш қатнашчилари ва урушда ҳалок бўлганлар ҳаёти ёритилди. Бироқ бу оқим намояндалари орасида схематизмга берилиш, қаҳрамонларни бирёқлама талқин этиш тамойиллари сезилади. Бу турдаги асарлар “Қомус” ва “Сурэ” каби адабий тўпламлар, газета ва журналларда чоп этилди. Асарларнинг бошламасидаёқ унинг ниҳояси аниқ эди. Уларнинг барчасида қийинчиликлар ва изтироблардан роҳатланиш мотиви ва охир-оқибат қаҳрамоннинг “жонидан кечиши” хотимаси билан якунланарди.

Бу даврда чоп этилган романлардан Хусрав Насимийнинг “Ёқэчеркинҳо” (“Қир ёқали одамлар”,

1982) романи китобхонлар эътиборини тортди. Романда 1978 йил июл-декабрида бўлиб ўтган воқеалар тасвирланади. 1985 йили Хусрав Насимий томонидан асарнинг давоми “Ахбор-э он рузҳо” (“Ўша кунлар хабарлари”) номи билан босилиб чиқди. Романда юқорида тилга олинган воқеалардан кейин содир бўлган ҳодисалар қаламга олинган ва асар Имом Хумайнийнинг Эронга келиши билан тугалланган.

Худди шу воқеаларга бағишланган яна бир асар Резо Бароҳаний томонидан ёзилган 2 жилдли “Розҳойэ сарзаминэ ман” (“Юртимнинг сирлари”) номи билан нашрдан чиқди.

Шунингдек, ишчилар тақдири мавзусидаги романлар ҳам ёзила бошланди. Аҳмад Маҳмуднинг “Қўшниллар” романи энг сара ижтимоий роман сифатида баҳоланди.

Адиб қаламига мансуб “Бир шаҳар тарихи” (1981), “Заминэ сухтэ” (“Куйдирилган замин”, 1982) романларида ҳам Эрон-Ироқ уруши асоратлари, уруш туфайли инсонларга етган қулфатлар, узоқ чўзилган мақсадсиз урушнинг не-не инсонлар ёстиғини қуритгани, отишмалар, очарчилик, касаллик туфайли энг кўп қариялар, болалар ва аёлларнинг азият чекиши ҳаққоний тасвирланади.

Сўнгги йилларда машҳур романнавис Маҳмуд Давлатободийнинг асарлари ўқувчилари томонидан қизгин кутиб олинмоқда. Маҳмуд Давлатободий ижтимоий-психологик романлар муаллифи. Унинг беш жилдли “Келидар” романи 1978-1983 йиллар мобайнида ёзилди, 1985 йилда қайта нашрдан чиқди. Давлатободий асарларининг бош мавзуси буржуа муносабатларига ўтиш даврида мулкдорлар ва деҳқонлар ўртасидаги

бош кураш майдонига айланган Эрон қишлоқларидир. Шу билан бирга, адиб, 70-80-йиллардаги шаҳардаги кичик буржуазия, ҳунармандлар ҳаётини ҳам чеклаб ўтмайди. Ижтимоий адолат муаммосини ёритиш адибнинг бош мақсади. У ўз орзуларини ҳаёлий шаҳар баёнида беради. Бу шундай шаҳарки, унда ёлғон, қабоҳат, зўравонлик бўлмайди. Маҳмуд Давлатободий қаҳрамонлари тақдирида жамиятдаги зиддиятлар ўз аксини топган.

Романда ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган бўлса-да, унинг бадиий қиммати танқидчилар томонидан юқори баҳоланди. Асарнинг тили, образларнинг психологик талқини, ёзувчи томонидан инсон туйғуларининг энг нозик қатламларигача назар ташлангани романнинг қайта-қайта чоп этилишига сабаб бўлди. Унинг ушбу романини энг реалистик метода ёзилган психологик роман сифатида баҳолаш мумкин.

Биз юқорида замонавий романнависликда ва умуман насрда модернизм, авангардизм сингари адабий жараёнлар кечаётганлигини таъкидлаган эдик. Романнавислар орасида Исмоил Фасиҳнинг “1983 йил қиши”, “Қадимги май”, Шаҳрнуш Порсипурнинг “Ит ва узоқ қиш”, “Эркин тажрибалар”, “Тубо ва туннинг моҳияти”. Аббос Маъруфийнинг “Ўликлар симфонияси” романлари модернистик ва авангард йўналишда ёзилган асарлар сифатида маълум ва машҳурдир.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср Эрон романнавислигида реализм ва модернизм ёзувчиларнинг асосий ижодий методи сифатида эътироф этилди.

Насрдаги янги жараёнлар, маънавий, шаклий-услубий изланишлар ҳаммадан кўра роман жанрида ёрқинроқ намоён бўлади. Айниқса, сўз санъатининг

ўзак масаласи инсонни англаш, инсон табиатининг, қалбининг тушунтириш қийин бўлган сир-синоатларини тафтиш этиш, инсон жумбоғи устида астойдил бош қотириш, энг муҳими бу борада одатдаги андазалардан қочиб янги йўллар ахтариш романчилигимиз ривожда етакчи тамойилга айланиб бораётир. Адабиётшунос олим У.Норматовнинг ўзбек романи ҳақидаги бу фикрлари Эрон романига ҳам тааллуқли.

Бугунги кунга келиб, Эрон насри ўзининг ранг-баранглиги, маҳсулдорлиги, қамровининг кенглиги, таҳлил майдони, шакли, мазмуни, мақсади борасида янги жиҳатларни намоён этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дорри Д.Х. Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, ее жанровые и стилистические особенности. Автореф. дисс. на соис. док. фил. н. Санкт-Петербург, 2000.
2. Дорри Д.Х. Персидская литература XX века. -М.: Муравей, 2005.
3. Хўқўқий М. Адабиётэ эмрузэ Ирон. -Т., 1377.
4. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. -Т, 2000. 52-б.

Абдусалом Самадов,
номзоди улуми филология,
дотсенти Донишгоҳи давлатии
Самарқанд ба номи Алишер Навоӣ

ШЕЪРИ ОЗОД ВА ЖОЙГОҲИ ОН ДАР АДАБИЁТИ МУОСИРИ ФОРСИ-ТОЖИКИ

Шеъри озод истилоҳи нави адабист. Мутаассифона, баъзе донишмандон байни шеъри озод ва шеъри нав фарқ намегузоранд. Шеъри нав дар асл дорои ҳамон сохту устухонбандии суннатие мебошад, ки дар мазмун ва сохтори он тағйироти жузъӣ ворид шудааст. Шеъри озод, баръакс, як тарзи нави ифодаест, ки зодаи солҳои охир буда, аз сохти суннатии назм ба кулӣ фарқ мекунад. Шеъри озод идомаи мантиқии шеъри нав мебошад. Вай дар асоси рушди тадриҷии шеъри нав ба миён омадааст.

Шеъри озод дар солҳои шастум ҳафтодум дар шаклу мазмун дигаргуниҳои куллии сифатино соҳиб гашт. Дар шеър мазмунҳои баланди сифатӣ иҷтимоӣ ва фалсафӣ дар шаклу ифода ва тарзи баёни гуногун жои асосиро касб намуданд. Дар шеъри озод мундариҷаи ғоявӣ, хусусиятҳои жанр, жумлабандии синтаксисӣ, ритму оҳанг ҳамаи мисраъ ва байтҳоро ба ҳамдигар алоқаманд месозад. Дар натижа як лавҳаи зебои лирикӣ ба миён меояд. Шоир дар ин сохти нави шеъри ба мантиқ ва фалсафаи сухан эътибори ҷиддӣ медиҳад, ба умқи дили инсон назар меандозад, ба шакл ҳам эътибор дода, бештар ба мазмунҳои баланди сифатӣ диққат медиҳад. Ин ҳол дар шеъри озод боиси пайдоиши шаклҳои нав ва гуногуни ифода гардидааст.

Шоир дар шеъри озод ҳамчун мутафаккир ва донишманди фаъол ба ҳаёт, табиат ва муҳити атроф назар мекунад, тамоми моҳияти воқеа ва ҳодисаҳоро дар як нуқта хулоса кардани мешавад. Ӯ фикри шахсӣ ва шахрвандии худро пеш меронад. Ӯ дар шеъри худ ба жисмҳо жон ато намуда, онҳоро ба сухан медарорад, мисли одам ба майдони амалу ҳаракат дохил мекунад. Яъни, табиат ва давру замонро ташхис медиҳад. Ин ҳолат дар порчаи зерин, ки аз достони “Сурӯши Сталинград”-и Мӯъмин Қаноат иқтибос шудааст, равшан ба назар мерасад:

Замин оташ

Ва дарёи дамон оташ,

Ба рӯи об ҳамчун мавҷи хунине равон оташ,

Ба ҳар хона, ба жои ошдон дар остон оташ,

Ба жои гул

Ва боғу бӯстон оташ.¹

Шоир дар ин сохти шеърӣ аз баъзе қоидаву қонунҳои суннатӣ озод аст. Ин озодӣ дар сохт, вазну қофия ва дигар паҳлӯҳои шеър ба мушоҳида мерасад.

Дар шеъри озод аруз боқӣ мемонад, аммо он дар зарбу оҳанг тағйир ёфта, сифатҳои нав касб менамояд. Имкониятҳои тоза ба тозаи аруз истифода бурда мешавад. Шоир метавонад дар як шеър мисраъҳои дарозу кӯтоҳ эҷод кунад, аз чанд баҳри ба ҳам монанд истифода барад. Аммо ӯ дар сар то сари шеър ба вазн риоя менамояд. Қофия низ озод аст. Аммо қофиябандӣ ба як тартиб набуда, дар кулли шеър ба навъҳои гуногун истифода мешавад. Наву тоза ва такрори гуногун будани қофияҳо мазмун ва оҳанги

шеърро дар дилу афкори хонанда хотирнишин карда,
эҳсосу андешаҳояшро бедор менамояд.

Дар шеъри озод шикастани мисраъҳо, байтҳо ва бандҳо, инчунин пораҳои жудогонаи шеър, ба дигаргуниҳо дучор омадани вазну қофия, тартиби шеър онро аз ҳар жиҳат мукамал мегардонад. Дар ин соҳти шеърӣ оҳангҳо дар жойҳо ва лаҳзаҳои зарурӣ мешиканад, пасту баланд мешавад, ба зарбу ово, ист, пауза, хитобу нидо тақсим шуда, шеърро ба эъжози хунара мерасонад. Хуллас, шеъри озод, ки бо номи шеъри мудерн дар Эрон шинохта шудааст, аз кашфиётҳои барҷастаи насли имрӯзи адибон мебошад.

Дар Эрон поягузори шеъри озод Нимо Юшиж шинохта шудааст. Аз ин рӯ ин соҳти шеърро дар ин сарзамин “шеъри нимой” ҳам мегӯянд. Дар муқаддимаи китоби “Баргузидаи шеъри муосири Эрон” дар бораи саҳми Нимо Юшиж дар таҳаввули шеъри форсӣ ин тавр оварда мешавад:

“Шеъри форсӣ, ки бо собиқаи ҳазорсола ва кулабаре аз ифтихору таҷруба, аз раҳгузори солҳо ва қарнҳо гузашта ва пой ба имрӯз кашондааст, заминаи муносиб барои иртиботи бештар ва беҳтари фарҳангҳои милалӣ мухталиф дар давраи муосир ва имкони баҳрамандии мутақобил аз таҷорубро низ фароҳам овардааст.

Ба ҳамин сабаб, дар ним қарни охир таҳаввуле чашмгир дар шеъри форсӣ ба вужуд омадааст ва дар идомаи қолибҳои классик, қолиби нав ё шеъри нав низ тавассути Нимо Юшиж, шоири бузурги муосири Эрон, ки дар байни мардуми адабусти ин кишвар ба падари шеъри нав маъруф шудааст, ба қолибҳои шеъри форсӣ изофа шуд”.²

Дар ҳақиқат, Нимо Юшиж бо дафтарҳои шеъри худ “Эй шаб”, “Нокус”, “Қаламандоз”, “Об дар хобгах”, “Мўрчагон” дар шеъри форсӣ таҳаввули назаррасе кардааст. Барои дарки қолиби нави суҳангустарии ӯ ба шеъри “Хонаам абрист...” муроҷиат мекунем, ки жанбаи фалсафияш пурқувват аст:

Хонаам абрист аммо

Абр боронаш гирифтаст.

Дар хаёли рӯзҳои равшанам к-аз даст

рафтандам,

Ман ба рӯйи офтобам

Мебарам дар соҳати дарё назора

Ва ҳамон дунё харобу хурд аз бод аст

Ва ба рах, найзан, ки доим менавозад най,

дар ин дунёи абрандуд

Роҳи худро дорад андар пеш.³

Ин гуна шеърҳои, ки мазмунро дар шаклу перояи нав ифода кардаанд, дар китоби “Баргузидаи шеъри муосири Эрон” бисёранд. Онҳо ба қалами Муҳаммад Ҳусейни Шаҳриёр, Аҳмади Шомлу, Ҷамиди Сабзавори, Мушфиқи Кошонӣ, Симини Беҳбахонӣ, Хушанги Ибтиҳож, Сўҳробӣ Сипехрӣ, Меҳдӣ Ахавони Солис, Меҳрдоди Авасто, Фурӯғи Фаррухзод, Муҳаммад Ризо Шафеъии Кадканӣ барин шоирони тозагуфтор мансубанд.

Муҳаққиқи шеъри нав Хусрави Саъдулло дар мақолаи “Шарҳи як шеър” тавассути таҳлили “Нишонӣ” ном шеъри Сўҳробӣ Сипехрӣ ин тавр натижа мебардорад, ки қобили таваҷҷӯҳ аст: “Сўҳробӣ Сипехрӣ аз ин миён бо тафаккури тозаву биниши

файласуфона зухур кард. Ба шеър тафаккур ва рӯҳияи ирфони муосирро эҳдо намуд. Албатта, ҳар сатр шеъри Сӯҳроб мазмун аст, мӯҳтаво аст. Ҳар хонандаи бархурдор аз тасвиру тафсири андеша ба хубӣ пай мебарад, ки қалами шоир замон дорад, ҳарф мегӯяд ва ба ангушт нишон медиҳад қуллаву ҳадафро. Вай ҳамгӣ 52 сол умр дидааст, аммо дар ин умри кӯтоҳ мероси гаронбахое аз худ боқӣ гузошт, ки дар адабиёт бо номи ӯ мемонад”⁴.

Дар асл ҳам Сӯҳроби Сипехри бо китобҳои шеъриаш “Дар канори чаман, ё оромгоҳи ишқ”, “Марги ранг”, “Зиндагии хобҳо”, “Овори офтоб”, “Шарқи андӯҳ”, “Садои пой об”, “Мусофир”, “Ҳашт китоб” ва дигарҳо дар дилу дидаи мухлисони худ ҳамчун шоири тозақор, тафаккури бадеиаш фарох нақши носутурданӣ гузоштааст.

Пайрави собитқадами дигари сабки Нимой суханвари мумтоз Нодир Нодирпур аст, ки бо мажмӯаҳои “Чашмҳо ва дастҳо”, “Духтари жом”, “Шеъри ангур”, “Сурмаи хуршед”, “Гиёҳу санг на, оташ”, “Аз осмон то ресмон”, “Шоми бозпасин” ва дигарҳо ҳамчун тасвиргари нозукхаёлу борикандеш, навҷӯву навпардоз шинохта шудааст. Дар шеъри ӯ вусъати тафаккур, диди латиф, бадеияти нотакрор, ваҳдати ҳиссиёту ҳаяжон, парвози баланди тахайюл ба назар мерасад, ки мисолаш шеъри “Ноғуфта”-и ӯст. Инак, таваҷҷӯҳ намоед:

*Шеърест дар дилам,
Шеъре, ки лафз нест, ҳавас нест, нола нест,
Шеъре, ки оташ аст.
Шеъре, ки мегудозаду месӯзадам мудом,*

*Шеъре, ки ки нав асту хурӯш асту интиқом.
Шеъре, ки ошно нанамояд ба ҳеҷ гӯш,
Шеъре, ки бастагӣ напазирад ба ҳеҷ ном.
Шеърест дар дилам..⁵*

Дар муқаддимаи китоби “Баргузидаи шеъри муосири Эрон” барҳақ дуруст таъкид карда мешавад: “Муסיқии ҳосил аз вазну қофия, таносуби каламот ва зарофати ҳосил аз замони наздик ва дури бахше аз вожаҳо, таркибҳо ва шигардҳои забонӣ ва саноеи адабӣ аз вижагиҳои муҳимми шеъри форсӣ аст, ки маъмулан бо нисбатҳои мутафовит, мавриди истифодаи шоирони чирадасти форсизабон қарор мегирад”.⁶

Ин хусусиятҳо ба шеърҳои Фуруғи Фаррухзод ҳам дахлдоранд. Дар шеъри “Паранда, фақат як паранда буд” бо тасвири баҳор оғоз мегадад:

*Паранда гуфт: “чӣ бӯе, чӣ офтобе, оҳ
Баҳор омадааст
Ва ман ба жустуҷӯи жуфти хеш хоҳам рафт.”⁷*

Шоир минбаъд аз ин гуфтугӯ хулосаи фалсафӣ бардошта хонандаро ба чунин андеша водор мекунад:

*Паранда рӯйи ҳаво ва бар фарози чароғҳои
татар*

Дар иртифои беҳабарӣ мебарид

Ва лаҳзаҳои обиро

Девонавор таҷриба мекард

Паранда, оҳ фақат як паранда буд.⁸

Дар ҳақиқат, баъди Нимо Юшиҷ дар Эрон дар рушду камоли шеъри озод саҳми Сӯҳробӣ Сипехрӣ,

Шомлу ва Фурӯғи Фаррухзод назаррас аст, ки ижмолан дар ин бора сухан кардем.

Дар адабиёти имрӯзаи тожик дар таҳаввули шеъри озод саҳми Мўъмин Қаноат, Лоиқ Шералӣ, Бозор Собир низ бузург мебошад. Имрӯзҳо дар ини жода Доро Нажот, Суруш, Гулрухсор, Фарзона, Сиёвуш, Искандари Хатлонӣ, Исфандиёр ва дигарҳо сабки адабин худро сайқал медиҳанд.

Аз шоирони муосири тожики Ўзбекистон Паймон, Абдулло Субҳон, Жаъфари Муҳаммад, Парисо, Дилшоди Фарҳодзод дар шеъри озод жидду жаҳди боварибахш доранд. Масалан, дар маҷмӯаи “тулӯи сабзи ранг”и Жаъфари Муҳаммад шеърҳои дар шакли шеъри озод вужуд доранд, ки далели ин фикранд. Ин порчаи шеърӣ аз ҳамон дафтар аст:

*Зикрро бояд зи барги сабз омӯзем,
Оқибат аз ғайби зикр ӯ зард мегардад.
Месупорад хешро бар дастӣ бод
Ва фанофиллоҳ мейбад.*

Абдулло Субҳон ҳам баъзан шеъри озод мегӯяд. Вале гоҳо чунин ба мушоҳида мерасад, ки ӯ қонунҳои шеъри суннатиро ба шеъри озод меомезад. Инак, як мисол:

*Тирамоҳ аст,
Тирамоҳи зардрӯ.
Подаи боди тазон,
Сабзаҳои пуштаҳоро мечарад.*

Адабиётшиноси Эрон Ризо Бароҳанӣ дар китоби “Тилло дар мис” унсурҳои шеъри комилро иборат аз

инҳо доништа буд: ружуъ ба забон, рақси калима, бозӣ бо калимот, ташхис, рамз, ихтилоти авзон ва аркон, реша дар забон доштани вазнҳо ва рукнҳо, оҳанг ва савт. Ин ҳама муайянкунандаи шеъри озод низ мебошад.

1. Қаноат М. Бесутун то кунун: Мажмӯаи шеърҳо ва дostonҳо. -Душанбе: Адаб, 1993. 176 с.
2. Баргузидаи шеъри муосири Эрон. -Техрон: Анжумани шоирони Эрон, зимистони, 1382. с.5.
3. Дар ҳамон жо, с.8.
4. Хусрави Саъдулло. Шарҳи як шеър. Овози тоҷик, 3 ноябри соли 2004.
5. Нодирпур Мурғи офтоб. -Душанде: Адиб, 1995. с.16.
6. Баргузида шеъри муосири Эрон. С.19-20.
7. Дар ҳамон жо, с.105.
8. Дар ҳамон жо, с.106.

Наргиза Шоалиева,
ТДШИ Хорижий шарқ халқлари
адабиёти кафедрси аспиранти

СУХРОБ СИПЕХРИЙ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН, ДИН ВА БОРЛИҚ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ИРФОНИЙ ТАЛҚИНИ

Рассом шоир Сухроб Сипехрий ижодида дин ва диний қадриятларга муносабат шоир маънавий қадриятлари сирасида алоҳида ўрин тутди. Диний маърифат шоир дунёқарашининг узвий таркибий қисмини ташкил этади. Жамият, борлиқ ва шоир “мен”и ўртасидаги ўзига хос уйғунлик масаласи шоир ижодий меросининг бош ғояларидан ҳисобланади. Айниқса, диний ўзлик ва борлиқни англашнинг муҳим воситаси сифатида қабул қилиш Сухроб Сипехрийнинг ҳамма шеърларида оз ё кўп миқдорда инъикос этилган бўлса-да, унинг бу мавзуга бўлган таважжуҳи асосан “Оворэ офтоб” (“Қуёш парчалари) номли шеърий мажмуасидан бошланади. 1961 йилда чоп этилган бу тўплам Сухроб Сипехрий ирфоний дунёқарашининг шакллана бошланаётганлигидан дарак беради. Бошқача айтганда, шоирнинг инсон ва унинг ҳаёти моҳияти, ички дунёси ва хоҳиш-истаклари, Борлиқ ва Худо, борлиқни англаш ва Худони маърифат этиш, маърифат йўлларини излаш ва унга етиш каби фалсафий муаммолар ҳақидаги жиддий мушоҳадалари айнан шу даврдан бошланади. Бу даврга келиб, Сухроб Сипехрий дунёга янгича кўз билан қараш, ўзининг таъбири билан айтганда, “Дўстни ёмғир остидан кўра билиш”¹ босқичига етган эди. Шоирнинг ички дунёсида

кўтарилган мазкур маънавий инқилоб охир оқибат шоирни дунёни кезиш ва турли диний мазҳабларни ўрганишга ундади.

Дин, Сухроб Сипехрий нигоҳида фақатгина шаръий аҳкомлар йиғиндисидан иборат бўлган мажмуа эмас, балки инсонни инсонийлик даражасига кўтара олиш қудратига эга бўлган куч, Комил инсонни яратувчи негиз тарзида талқин қилинади.

Сипехрийнинг назарида, дин ва диний эътиқод инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондира оладиган руҳий восита. Уни бировга зўрлик билан ё мажбурий ҳолда сингдириб бўлмайди. Эътиқод ташқаридан эмас, балки инсоннинг ўзидан, унинг руҳий-маънавий эҳтиёжидан келиб чиққан бўлиши керак, акс ҳолда, у инсонни мукаммаллаштириш ё гўзал хулқлар билан безатиш воситаси эмас, инсон эрк-ихтиёрини чеклаб кўядиган воситага айланади. Натижада у носамимий ва сунъий бир нарсагина бўлиб қолади.

Сухроб Сипехрий динни жуда чуқур англайди, ўзини диний арбоб сифатида ҳам, дин қобиғи билан чекланган шоир сифатида ҳам англамайди. У авваломбор, инсон ҳаётидан азалий мақсадни қидирувчи, изланувчи ижодкор, XX асрнинг ижтимоий ва сиёсий жараёнлари гирдобида қолган инсон қалби ва ўзлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган уйғоқ инсон. У ҳар қандай таассубга қарши, борлиқдаги мавжудот ва ҳодиса-воқеаларни қалб кўзи билан мушоҳада этади, у гўзалликка, энг аввало дунё ва инсон чиройига ташна бўлган шоирдир. Аммо мазкур фикр Сухроб Сипехрий ташқи оламдан оладиган барча таассуротларини ўз ички олами, қалб кўзи орқали қабул қилиб, ўз мушоҳадаларининг ҳосиласини шеър шаклида баён

этадиган ижодкор холос, дегани эмас. У ташқи оламни ҳиссий қабул қилиш қобилиятига эга бўлган шоир бўлиши билан бирга, борлиқдаги ашёлар ва ҳодиса-воқеаларни мантиқий ақл орқали маърифат этадиган ориф ва файласоф шоир ҳамдир. Сухрӯб Сипехрийнинг аксар шеърлари бадиият либосидаги фалсафий фикрдир. Тўғрироғи, шеър С.Сипехрий учун ўз фалсафий фикрларини модернлашган санъат шаклида ифодалаш учун хизмат қилган. Шундай экан, у инсоннинг динга бўлган ё бўлиши лозим бўлган муносабатини ҳам ана шу асосда бадиий таҳлилдан ўтказди ва диний мутаассиблик қобилигига ўранган жамиятни қоралаб, жамият аҳлини дунёга янги тафаккур билан қарашга ундайди.

***Кўзларни ювмоқ керак,
Ўзга кўз билан қараш керак.²***

С.Сипехрий диний дунёқараши ислом дини таълимоти асосида шаклланган. У ислом дини ҳоким бўлган муҳитда туғилиб ўсган ва шу муҳитда тарбия олган ҳамда ўзини мусулмон деб англаган шоирдир. Аммо шоир эътиқодида мусулмонлик диний ақидалар мажмуаси сифатида эмас, балки умуминсоний қадрият сифатида талқин этилади. Шоир “мусулмон ким” деган саволни кўндаланг қўяди ҳамда ўзига хос тарзда унга жавоб излайди. Бу ҳақда унинг ўзи “Сэдойэ пойэ об” (“Сув одимининг товуши”) номли манзумасида шундай дейди:

***Мусулмонман.
Қиблам бир қизил гул.***

*Жойнамоzim булок, мухрим нур.
Дашт менинг саждагозим.
Мен деразалар ларзасидан покланаман.
Намоzimда ой сузилади, айланади камалак.
Намоzim ортидан кўринади тош:
Намоzimнинг зарралари биллурга айланган.
Мен намоzimнинг сарв минораси бошида
Азонини шамол битган чогда ўқийман
Мен намоzimни ўтнинг “такбирул эхромиди”
Мавжнинг “қад-қомат”и изида адо этаман.³*

Сарв дарахтининг баландлиги минорага ташбеҳ бўлган.⁴ С.Сипехрий тасвирланган лирик қаҳрамон-мусулмон шахс, у ҳам бошқа мусулмонлар каби таҳорат қилади, намоз ўқийди, унинг учун ҳам “жойнамоz”, “мухр” (шиъа мазҳабида), “қибла” деган муқаддас тушунчалар бор, у ҳам азон айтилиши билан намозга шошилади... Намоз ибодат жараёни энг пок, мусаффо, самимий ва гўзал туйғулар оғушида кечади. С.Сипехрий лирик қаҳрамони мусулмон шахсининг намоз-ибодат жараёнидаги ҳолатини табиатдаги энг содда, табиий, гўзал ва мусаффо манзаралар ва унсурлар (“қизил гул”, “чашма”, “дашт(саҳро)”, “ой”, “тош”, “ел(шамол)”, “сарв”, “ўт(гиёҳ)”, “мавж (тўлқин)”)... билан боғлаб тасвирлайди. Бу ташбеҳлар лирик қаҳрамон - мусулмон шахсининг руҳий-маънавий ҳолатида кечаётган ўзгаришлар жараёнидаги динамикани очиб беради: бутун вужуди билан ибодатга берилган лирик қаҳрамон табиат ва бутун борлиқ билан бус-бутун бир вужудга айланади, у табиат манзаралари ва унсурлари билан, табиат эса у билан қоришиб кетади, яхлитлик ва ягоналик вужудга келади. Шу нуқтаи

назардан, шоир учун дин ҳаётнинг ўзига тенг, дин ва борлиқ, шоир ижодида бир-бири билан уйғунлашади, бир-бирини тўлдиради, яхлитлик кашф этади.

С.Сипехрий ибодатнинг ана шундай усулинигина қабул қилади. Чунки фақат ана шундай экстаз ҳолатдагина инсон покланади, ибодатдан лаззат-фароғат, руҳий осойишталик топади. С.Сипехрийнинг лирик қаҳрамони, бир томондан, оддий мусулмон сифатида гавдаланса, иккинчи томондан, ориф мусулмон сифатида намоён бўлади. Яъни, у ҳам оддийлик ва самимийлик ҳамда орифлик ва хослик сифатлари билан безанган шахс. Шу нуқтаи назардан, ибодат оддий бир мусулмон учун покланиш ва гуноҳдан тавба қилиш воситаси бўлса, ориф бир мусулмон учун Аллоҳ билан бирлашиш воситасидир.

Сипехрий талқинида, агар дин ва диний ибодатлар инсонни ўз рабби билан нақадар яқин эканлигини англатади ва агар ибодат оддий, кундалик юмушга айланса у ўзининг асл моҳиятини йўқотади. Шоир бу фикрни қуйидагича талқин этади:

Борлиқ бор эди ва бир хиргойи

Лаб бор эди ва бир дуо ҳам.

«Мен» бор эди ва бир «Сен»

Намоз бор эди ва бир меҳроб ҳам.⁵

Сипехрий нигоҳида, “борлиқ”нинг “хиргойи” (“замзамэ”) билан, “лаб”нинг “дуо” (нзёйеш”) билан “мен” (инсон; жузь, бўлак)нинг “сен” (худо; субстанция) билан “намоз”нинг “меҳроб” билан бирлиги ё яхлитлик ҳосил қилиши ва шу тариқа, бутун борлиқда ягона гармониянинг вужудга келиши ҳақиқий ибодатнинг ҳосиласидир.

С.Сипехрий лирик қахрамони ҳур фикрли мусулмон. У ҳар бир нарсанинг ўз вақтида ва ўз ўрнида бўлишини хоҳлайди. Унинг назарида, ибодат ўз ўрнида, мутолаа ўз ўрнида ва гўзалликдан баҳра олиш ўз вақтида бўлгани маъқул

Дилимни булут қоплайди

Дерезадан

Хури-қўшинининг балоғатга етган қизининг

Ер юзидаги энг камёб наврон пойида

Фикҳ, ўқиётганин кўрсам.⁶

С.Сипехрий назарида, фикҳ илми - ислом ҳуқуқи нафақат эндигина балоғат ёшига етган қўшинининг қизи Хури учун оғирлик қилади, балки у умуман оғир юқдир:

*Мен бир поездни кўрдим, фикҳ таширди
ва оғир юрарди.*

(“Сув одимининг товуши”)

Шоир бу “юк”нинг оғирлигини таъкидлаш мақсадида “юк ташувчи поезд”ни тасвир доирасига тортади. Аммо мақсад бу ҳам эмас. Мақсад динни юзаки, зоҳирий урф-одатга, қолаверса, сиёсатга айлантиришга чоғланаётган диний-сиёсий кучлар юзага келаётганини таъкидлашдир. Шунинг учун ҳам, “фикҳ ташиб, оғир-оғир юраётган псезд” тасвирини мантиқий ривожлантириб, янги парадокс яратади:

*Мен бир поездни кўрдим, сиёсат таширди
(ва нақадар бўш кетарди).*

(“Сув одимининг товуши”)

“Фикҳ” ислом шариатининг қонун-қоидалари мажмуидан зил-замбил оғир бўлган поезд, айна пайтда, бўм-бўш ҳамдир. Чунки у сиёсат ташимокда, яъни фикҳ сиёсатга айланса у ҳолда кадр-қиммати пасайиб кетиши мумкинлигига ишора бор. Жамяятнинг табиий ривожига қарама-қарши бўлган сиёсий инқилоблар эса, ҳеч кимни саодат манзилига етакламайди. С.Сипехрий эса ҳеч қандай инқилобни ёқламайди. Чунки сиёсий инқилобларнинг барчаси қон тўкиш кўчаси орқали ўтади. Сипехрий эса ҳар қандай қон тўкишга қарши бўлган ориф шоирдир.

Шу нақтаи назардан, дин ва замонавий тараққиёт, янги жамяятлар муносабатида, диннинг ўрни унинг мавқеи қандай бўлиши керак, деган ўша долзарб масала шоирни мудом қизиқтиради. Шоир бу саволга жавоб қидиради. Ва шоир жавоби дин қалб учун ғоясида кўринади. Шоир диннинг сиёсий ўйинларда восита бўлишини қоралайди.

Сипехрий, Аллома Иқбол Лоҳурийнинг “Шоири ҳам бар масал пайғамбарист” (Шоирлик ҳам пайғамбарликдир) деган фикрини қувватлаб, “пайғамбарлик” (нубувват) ўрнига ўзининг ирфоний ғояларини ифодалайдиган “сув”, “ақл” ва “ёруғлик” тимсолларини қўллайди:

Шоирлар

сув, ақл ва ёруғлик ворисидирлар.¹

(“Денгизлар ортида”)

Сипехрий шеърларида кўплаб учрайдиган бу рамзий тимсоллар, шоир қалбининг ана шу уч манба “сув”, “ақл” ва “ёруғлик”дан озикланишига ишора этади.

Аслида ҳаёт ҳам ана шу уч унсур билан давом этади. Бу уч унсур, мантиқан бир-бирига боғлиқ: сув ҳам ёруғлик, ақл ҳам ёруғликнинг инсон онгидаги шакли. Фақат ёруғликгина инсонни саодатга элтиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, шоирларга келадиган “илҳом”, “вахий” каби илоҳий бир неъмат ҳисобланади. С.Сипехрий илҳом шаклида қалбига ёғилиб келадиган сўз ва фикр масъулиятини юксакка кўтаради ва ана шундай кайфият таъсири остида, янги бир шариат аҳкомларини одамларга етказётган набий даражасига кўтарилади. Унинг бундай кайфиятда яратган шеърларидан, “Сурайэ тамошо” (“Томоша сураси”) шеърини мисол келтириш мумкин:

Томоша номига

ва сўзнинг ибтидосига

ва кабутарнинг тасаввурда парвоз этишига қасам,

*қафасда қамалган бир сўз бор.*⁸

Инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, эзгулик ва хайрихоҳлик тўғаноқ бўладиган ҳар қандай чегара ва тафовутларга зид бўлган Сипехрий, ўзининг “Томоша” номи билан боғлиқ рамзий “сура”си - шеърини “Инжил”нинг “Ибтидода сўз бор эди”, деган биринчи оятини тескари тарзда “сўзнинг ибтидоси” шаклида ўзгартириб бошлайди. “каломнинг ибтидоси”, “сўзнинг ибтидосида эди, сўз худо олдида эди ва сўз худо эди”.⁹ Табиийки, “сўзнинг ибтидоси” “Бисмиллаҳир рамонир роҳим” бўлиб чиқади. Демак, С.Сипехрий “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” номи билан қасам ичиб, одамларни “қафас ичра бир сўз” борлиги, яъни қалбида ётган, аммо айтолмаётган сўзи борлигига

ишонтирмоқчи бўлади. Бу ҳолат, илҳом ҳолатида қалбига кириб келаётган илоҳий файз таъсиридан бўғилаётган шоир аҳволини эслатади.

“Ҳажмэ сабз” (“Яшил ҳажм”) тўпламига киритилган бу шеърнинг давомида шоирнинг лирик қаҳрамони ўзининг янги таълимотини одамларга тушунтираётган етакчи инсон, ҳақиқат сари йўл излаётган жамият аҳлига рамзу ишоралар тили билан шундай дейди:

*Ернинг кафтида топилмас бир гавҳар бор
Унинг товланишидан пайгамбарларнинг кўзи
хираланди.*

*Ана шу гавҳарни изланглар
Лаҳзаларни рисолат ўтлогига элтинглар.
Ва мен уларга
келаётган хабарчининг қадам товушидан,
Токи яқинлашаётган тонгдан
ва рангларнинг кўпайишидан башорат бердим.¹⁰*

(Томоша сураси)

С.Сипехрий барча диний-мазҳабий таълимотларга бир хил кўз билан қарайди, уларни ҳурмат қилади. У барча динлар ва диний таълимотлардаги энг пок ҳис-туйғуларгагина ишонади. Уларнинг барчасидаги ана шу жиҳатга юксак баҳо беради. Демак, дин инсонни поклаш ва маънавий юксалтириш йўлидир.

Сипехрий, фалсафий-ахлоқий қарашлар доирасида фақат бўлиб ўтган ва ё бўлаётган воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар баёнидан воз кечиб, бўлиши керак бўлган ҳолатларни тасвирлашга ўтади. Инсон ҳақиқий бахт-саодатга эришиш учун нималар қилиши кераклигини тушунтиришга, қайси йўлдан бориши кераклигини уқтиришга киришади:

Тол тагида

Тепамдаги шохидан бир барг узиб, дедим:

Кўзларингизни очинг,

Бундан яхшироқ яна қандай оят истайсиз?

Ўзаро шивирлашларини эшитардим:

*У сеҳргар!*¹¹

С.Сипехрий бу шеърда пайғамбарликка даъво қилмайди. Аксинча, у Пайғамбарнинг Аллоҳ неъматларини далил келтириб, ўз қавмини ҳидоят йўлига бошлаши ва одамлар унинг сўзларидан таҳликага тушиб, “у сеҳргар”, деб тухмат қилишларини тасвирга туширади. Шу орқали, шоир ўзининг Аллоҳга ва унинг элчисига иймон келтирганлигини таъкидлайди. Шеърнинг давомида илоҳий ваҳийга ўхшаган маънолар бор: “Қалпоқ (кулоҳ)ларини бошларидан учиринг учун, елларни нозил қилдик (юбордик)”.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Сухроб Сипехрий назарида дин бу “ҳақ” ва ҳақиқат йўли, инсонлар учун муҳим маънавий озуқа. У адашганларни “тўғри йўлга” ҳидоят этгучи кудрат. У оддий, зоҳирий урф-одат ё таомил эмас, балки ҳаёт дарахтининг чуқур ва мустаҳкам илдизидир.

С.Сипехрий Мавлоно Жалололдин Румийнинг ирфоний маъноларга лимо-лим бўлган шеърятидан етарли даражада баҳра олган. Сипехрий Румий шеърятига мазмун-мундарижа нуқтаи назаридан эргашган. Буни айниқса, Румийнинг “Мен етмиш уч мазҳаб билан биргаман”, деб оташпарасту насроний, жухуду мусулмон билан бир хил муомалада бўлиши ва Сипехрийнинг “Бошим устида Қуръон, Ёстиғим Инжил, Тўшагим Таврот, Уст кийимим Авесто, Туш

кўраман: Сувдаги нилуфарда бир Будда...” деб, барча диний таълимотларни баробар ўрганишида ҳам мушоҳада этиш мумкин. Айтиш мумкинки, С.Сипехрий “динлараро тотувлик” ва “диний бағрикенглик” мавзусини ўз ижодининг бош мавзусига айлантириш орқали, “инсон” деган тушунчани “дин” деган тушунчадан юқори кўяди. Шоир ижодида “дин” инсон маънавий қадриятларининг узвий бўлаги сифатида талқин қилинади.

Шундай қилиб, С.Сипехрий ижодидаги инсон, дин ва борлиқ муносабати XX асрнинг иккинчи ярмида Эрон жамятида кечган мураккаб “ислом ренессанси” ва “ислом модернизми” билан боғлиқ ижтимоий ўзгариш, ислоҳот ва ўсиш жараёнларининг оқибати бўлиб, С.Сипехрий ўзини инсонпарварлик негизида турган илғор тафаккурли шоир сифатида намоён этади.

Изоҳлар:

1. Сухроб Сипехрий. Ҳашт кэтоб. -Техрон: Энтэшоротэ “Тахурий”, 1381. с.292.
2. Сухроб Сипехрий. Ҳашт кэтоб, с.292.
3. Ўша китоб, 279-бет.
4. Сирус Шамисо. Нэгоҳэ бэ Сухробэ Сэпэхри. -Т.: Энтэшоротэ Марворид, 1376. с.49.
5. Сухроб Сипехрий. Ҳашт кэтоб, с.211.
6. Ўша китоб, 390-б.
7. Ўша китоб, 279-б.
8. Ўша китоб, 362-б.
9. Ўша китоб, 373-б.
10. Ўша китоб, 3.73-б.
11. Ўша китоб, 3.73-б.

معاصر ادبیات فارسی در مجله‌ی سینا، بسیاری را به تحقیق و تتبع در این حوزه کشاند. اینک در بسیاری از مناطق تاجیک نشین سمرقند و بخارا شاعران جوان، گویندگان معاصر ایران را پیروی می‌کنند و بر این توجه هر روز افزوده می‌شود.

در راستای این کشش و علاقه‌مندی رایزنی فرهنگی سمینار ادبیات فارسی معاصر ایران را با حضور استادان بنامی از ایران و ازبکستان برگزار نمود و این کتاب مجموعه‌ی مقالات استادان عزیز است که در این سمینار ارائه نمودند.

امید است که بتواند راهی فراختر از گذشته بر روی محققان و علاقه‌مندان جوان بگشاید تا زبان فارسی چون گذشته در این دیار بالنده و پر ثمر گردد. ان شاء الله در پایان جا دارد که از مدیریت دانشگاه‌های شرق شناسی تاشکند و سمرقند و استادان آن دو، که ما را در برگزاری این همایش یاری نمودند قدردانی نماید و توفیقشان را از خداوند درخواست دارد.

دکتر عباسعلی وفایی

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران

ازبکستان - تاشکند

۱۳۸۵

МУНДАРИЖА

- Доктор Махмуд Баширий.* Форс ҳикоянавислиги ҳақида (форс тилида).....3
- Ғулум Карим.* XX аср Эрон насри ўзбек тилида (форс тилида).....12
- Ахмаджон Қурбонбеков.* Инқилобдан кейинги Эрон насри.....15
- Шавкат Шукuroв,* Нормурод Каримзода. Шеъри нави Эрон ва нуфузи он ба шоираҳои порсийғуи Ўзбекистон (тожик тилида).....24
- Жалил Ҳазратқулов.* Эрон миллий драматургиясининг шаклланиш муаммолари.....39
- Сарвиноз Сотиболдиева.* Замонавий Эрон романна-вислиги.....53
- Абусалом Самадов.* Шеъри озод ва жойгоҳи он дар адабиёти муосири форси-тожикӣ.....59
- Наргиза Шоалиева.* С.Сипехрий шеъриятида инсон, дин ва борлиқ тушунчаларининг бадиий-ирфоний талқини.....67

مقالات سمینار ادبیات معاصر فارسی



دایره فرهنگی
سفارت جمهوری اسلامی ایران
ازبکستان - تاشکند